

ТУРКИЯ ТАЪЛИМ МАРКАЗЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Akbarov Bunyodjon Ilyosjon o'g'li

*mustaqil tadqiqotchi*

*ilyosjonovmuhammadbilol@gmail.com*

**Аннотация**

Мазкур мақолада Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда Туркия таълим марказларининг Ўзбекистондаги фаолияти илмий жихатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда Юнус Эмре институти, ТИКА ва Туркий давлатлар халқаро университети фаолияти мисолида таълимнинг маданий дипломатия, инсон капитални ривожлантириш ва минтақавий ҳамкорликдаги ўрни очиқ берилган. “Юмшоқ куч” назарияси ва инсон капитал концепцияси асосида ҳамкорликнинг ижобий таъсирлари билан бир қаторда маданий таъсир, таълим бозоридаги рақобат ва “мия оқими” каби эҳтимолий хавфлар ҳам баҳоланган. Туркия таълим марказлари Ўзбекистон учун стратегик имконият экани, унинг самарадорлиги эса миллий манфаатларга мос ва мувозанатли бошқарувга боғлиқ экани асослаб берилган.

**Калит сўзлар**

таълим ҳамкорлиги, Туркия, Ўзбекистон, Туркия таълим марказлари, маданий дипломатия, юмшоқ куч, инсон капитал.

**Аннотация**

В данной статье научно проанализировано сотрудничество между Турцией и Узбекистаном в сфере образования, а также деятельность турецких образовательных центров в Узбекистане. В исследовании на примере деятельности Института Юнуса Эмре, ТИКА и Международного университета тюркских государств раскрыта роль образования в культурной дипломатии, развитии человеческого капитала и региональном сотрудничестве. На основе теории "мягкой силы" и концепции человеческого капитала, наряду с положительными эффектами сотрудничества, были оценены потенциальные риски, такие как культурное влияние, конкуренция на рынке образования и "поток мозгов." Обосновано, что турецкие образовательные центры являются стратегической возможностью для Узбекистана, а их эффективность зависит от сбалансированного управления, соответствующего национальным интересам.

**Ключевые слова**

образовательное сотрудничество, Турция, Узбекистан, турецкие образовательные центры, культурная дипломатия, мягкая сила, человеческий капитал.

**Abstract**

This article provides a scientific analysis of cooperation between Turkey and Uzbekistan in the field of education and the activities of Turkish educational centers in Uzbekistan. The study reveals the role of education in cultural diplomacy, human capital development, and regional cooperation using the example of the activities of the Yunus Emre Institute, TIKA, and the International University of Turkic States. Based on the theory of "soft power" and the concept of human capital, along with the positive effects of cooperation, potential risks such as cultural influence, competition in the education market, and "brain flow" were also assessed. It is substantiated that Turkish educational centers are a strategic opportunity for Uzbekistan, and their effectiveness depends on balanced management that meets national interests.

**Keywords**

educational cooperation, Turkey, Uzbekistan, Turkish educational centers, cultural diplomacy, soft power, human capital.

**Кириш**

Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик сўнги йилларда жадал суръатлар билан ривожланиб, икки мамлакатни бирлаштириб турувчи умумий тарихий, маданий ва туркий меросга таянади. Туркия таълим марказлари, хусусан, Юнус Эмре институти ва ТИКА фаолияти Ўзбекистонда тил ўргатиш билан чекланиб қолмай, маданий дипломатия, илмий алмашинув ва касбий тайёргарликни ривожлантиришда муҳим механизм сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу марказлар турк тили курслари орқали нафақат билим бериш, балки маданий тадбирлар, семинарлар ва турли лойиҳалар орқали ёшлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Юнус Эмре институти томонидан ўтказиладиган турк тилини билиш имтиҳонларига Ўзбекистондан юқори қизиқиш кузатилиб, мазкур сертификатлар магистратура ва докторонтурага кириш, шунингдек Туркия олий таълим муассасаларида ўқиш учун муҳим имконият яратади. Шу билан бирга, ТИКА томонидан таълим марказларини очиш, маданий мерос объектларини таъмирлаш ҳамда касбий курслар ташкил этиш орқали амалий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бормоқда. Яқин йилларда ташкил этилган Туркий давлатлар халқаро университети каби янги ташаббуслар минтақавий бирдамликни янада мустаҳкамлаб, муҳандислик, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда замонавий малака олиш имкониятларини яратмоқда. Ушбу ҳамкорлик Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришга ҳисса қўшиб, иқтисодий ўсиш ва мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Асосий қисм**

Туркия таълим марказларининг Ўзбекистондаги фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари кўп жиҳатдан мамлакатларнинг умумий тарихий ва маданий меросига асосланган. Улар фақат тил ўргатиш билан чекланмай, илмий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Туркия таълим марказларининг энг муҳим ўзига хос жиҳати - таълимни маданий дипломатия воситаси сифатида самарали қўллаш олишидир. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи турк тили курслари нафақат тил ўргатиш билан чекланиб қолмай, балки кенг қўламли маданий тадбирларни ҳам ташкил этиш орқали икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Масалан, турк ошхонаси, мусиқаси, санъати ва адабиётига бағишланган “Турк маданият кунлари”, турк фильмлари намойишлари, турли семинарлар ва маърузалар шу тадбирлар қаторига киради. Бу жараён нафақат турк маданияти ва анъаналарини кенг тарғиб қилишга хизмат қилади, балки ёшлар орасида ўзаро тушуниш ва маданий алмашинувни ҳам кучайтиради.

Юнус Эмре институти томонидан амалга оширилаётган фаолиятда ижтимоий тармоқлар орқали маданий сиёсатини илгари суриш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу сиёсат турк маданияти ва таълим имкониятларини кенг аудиторияга етказишда самарали восита бўлиб хизмат қилади. 2023 йилда институт томонидан ўтказилган турк тилини билиш синовларида Ўзбекистондан 1,429 нафар номзод қатнашгани қайд этилган бўлиб, бу глобал миқёсда рекорд иштирок сифатида баҳоланган. Шунга қарамай, синовларнинг минтақавий тарғиботи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, 2025 йил май ойида Тошкент ва Самарқандда ташкил этилган синовларда мамлакатнинг турли ҳудудларидан қарийб 500 нафар номзод иштирок этган, шу билан бирга 2025 йил сентябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган навбатдаги синовда 435 нафар талаба иштирок этиб, бу жараёнга юқори қизиқишни кўрсатган.<sup>25</sup>

Бу юқори иштирокнинг асосий сабаби шундаки, Юнус Эмре институти томонидан бериладиган Туркча сертификат Ўзбекистон расмий идоралари томонидан тан олинган ягона расмий турк тили сертификати ҳисобланади. У магистратура ва докторонтура дастурларига кириш учун чет тили сифатида қабул қилинади, шунингдек Туркиянинг олий таълим муассасаларида ўқиш имкониятини ҳам таъминлайди. Ўзбекистонда турк тилига бўлган қизиқишнинг юқорилиги ҳам бу жараёнга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, мазкур имтиҳон ALTE (Association of Language Testers in Europe) ассоциацияси томонидан тасдиқланган бўлиб, талабаларга B2-C1 даражаларда сертификат тақдим этади. Бу эса талабаларга Туркия университетларига киришда имкониятларни кенгайтириш билан бирга, уларнинг академик ва касбий салоҳиятини ҳам мустаҳкамлайди.

<sup>25</sup> Ўзбекистонда турк тилини билиш имтиҳонида рекорд даражадаги иштирок. Юнус Эмре институти матбуот хизмати. 08.10.2025. <https://www.yee.org.tr/en/node/13840>

Бу жиҳат Туркия таълим марказларини бошқа мамлакатлардаги ўхшаш муассасалардан аниқ фарқ қилади, чунки кўпинча уларда фақат тил ўргатишга урғу берилади. Ўзбекистонда эса таълим жараёнида маданий бойлик ва ижтимоий дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида қўлланади. Шу борада ТИКАнинг ҳиссаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Ўзбекистондаги тарихий ва маданий мерос объектларини таъмирлаш лойиҳалари орқали таълим жараёни маданий мерос билан узвий боғланмоқда. Натижада, турк тилини ўрганиш нафақат академик билим бериш, балки кенг кўламли маданий алмашинувга ҳам айланиб, минглаб ўзбек ёшларида турк маданияти ва анъаналарига қизиқишни уйғотмоқда.

Шу тариқа, Туркия таълим марказлари орқали амалга оширилаётган ушбу маданий ва таълимий тадбирлар нафақат турк тили ва маданиятини ўргатишни, балки икки мамлакат ёшлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашни ҳам таъминлайди. Бундай фаолият турк маданиятининг Ўзбекистондаги ижобий қабул қилинишини рағбатлантириб, кенг қатор ижтимоий, маданий ва таълимий таъсирларни юзага чиқаради.

Яна бир ўзига хос жиҳат - таълимнинг касбий ва амалий йўналиши бўлиб, бу ўзбек талабаларини Туркия университетларига тайёрлаш имконини беради. Хусусан, ТИКА томонидан 2024 йилда Тошкент давлат транспорт университетида очилган Турк тили ўқитиш маркази Анқара университетининг TÖMER курслари ва YÖS (хорижий талабалар учун тест)га тайёргарликни тақдим этади. Бу марказ Ўзбекистондаги биринчи расмий турк тили ўқитиш муассасаси ҳисобланиб, талабаларга Туркия университетларига кириш учун сертификатлар ва маслаҳат хизматларини ҳам тақдим этади. Шу билан бирга, ТИКА 1994 йилдан буён Ўзбекистонда 900 га яқин лойиҳани амалга оширган бўлиб, улардан 700 дан ортиғи соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларига қаратилган лойиҳалардир<sup>26</sup>.

2025 йилда ТИКА Ўзбекистон билан олти устувор йўналиш бўйича ҳамкорликни кенгайтирди, улар орасида энергия самарадорлиги, урбанизация, касбий малака ошириш, шунингдек таълим ва саноат соҳалари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, "Business Turkish" курслари туризм, соғлиқни сақлаш ва банк иши каби асосий иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга йўналтирилган бўлиб, 2023 йилда 270 дан ортиқ талабани қамраб олди. Ушбу курслар орқали талабалар нафақат турк тилини ўрганадилар, балки амалиётда қўллаш учун зарур касбий салоҳият ва малакага эга бўладилар. Турк тилини 6-12 ой давомида ўрганиш натижасида ўзбек талабалари Туркия университетларида таълим олиш имкониятига эга бўлиб, бу уларнинг халқаро академик ва касбий салоҳиятини оширади.

<sup>26</sup> ТИКА томонидан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 700 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Анадолу Агенсий сайти. 29.04.2023. <https://www.aa.com.tr/en/economy/turkey-carried-out-projects-in-uzbekistan/1130927>

Шунингдек, Туркия стипендиялари (Türkiye Scholarships) орқали ҳар йили жаҳон миқёсида 5000 стипендия тақдим этилади ва Ўзбекистондан минглаб номзодлар бу дастурда иштирок этади. Бу омил фаолиятнинг амалий қимматини кучайтиради, талабаларни муҳандислик, ахборот технологиялари ва логистика каби соҳаларда халқаро стандартлар асосида тайёрлайди ва уларнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлайди<sup>27</sup>.

Ўзаро ҳамкорликнинг яна бир ўзига хос жиҳати - умумий туркий меросга асосланган минтақавий ҳамкорликдир. Бу фаолиятнинг ўзига хослиги туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда намоён бўлади. Шу борада 2025 йилда Тошкентда очилган Туркий давлатлар халқаро университети (ITSU) ёрқин мисол ҳисобланади. Университет Туркиянинг етакчи олий таълим муассасалари - Истанбул техника университети ва Ўрта Шарқ Техника Университети (METU) билан ҳамкорликда муҳандислик, ахборот технологиялари, логистика, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш йўналишларида таълим бериб, замонавий талабларга мос касбий ва академик тайёргарликни таъминлайди.

Ўқув дастурлари асосан турк стандартлари асосида ташкил этилган бўлса-да, улар ўзбек талабаларининг эҳтиёжлари ва маҳаллий контекстга мослаштирилган. 2025/2026 ўқув йилидан фаолиятини бошлаган университет туркий давлатлар ўртасида илмий-тадқиқот марказига айланиб, минглаб ёшларни жалб қилиш имконини яратади.

ТИКАнинг маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва реставрация қилиш бўйича фаолияти ҳам Туркия таълим марказларининг Ўзбекистондаги таъсирини кучайтирувчи муҳим омиллардан биридир. ТИКА турли мамлакатларда маданий қимматга эга тарихи ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш чораларини амалга ошириб келади, жумладан архитектура комплекслари, масжидлар, мадраса ва бошқа маданий объектлар реставрацияси каби йирик лойиҳаларни ҳам ўз ичига олади. Бу фаолият ташкилотнинг умумий маданий ҳамкорлик йўналишларининг бир қисми бўлиб, маданий дипломатияни амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам ТИКА томонидан Самарқанд ва Тошкент каби шаҳарлардаги тарихий-тарихий аҳамиятга эга объектларга оид реставрация ишлари орқали маданий меросни сақлаш бўйича ҳаракатлар амалга оширилиши мавзусида давлат даражасида қонун ва қонуности ҳужжатлар билан қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакат миқёсида миллиардлаб сўм маблағ йўналтирилиб, бир қатор тарихий объектларда реставрация-тиклаш ишлари олиб борилмоқда, бу эса маданий меросни келажак авлод учун сақлаш ва туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда<sup>28</sup>.

<sup>27</sup> Ўзбекистон ва ТИКА олти устувор йўналишдаги лойиҳаларни кенгайтиришга келишиб олдилар. Ўзбекистон иқтисодиёт ва молия вазирлиги малумотлари асосида Уз Дайли малумотлари. <https://www.uzdaily.uz/en/uzbekistan-and-tika-agree-to-expand-projects-in-six-priority-areas>

<sup>28</sup> ТИКА таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги

Шу билан бирга 2025 йилда ТИКА Ўзбекистонда бир қатор ижтимоий лойиҳаларни ҳам амалга оширди, жумладан имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълим дастурлари ва болалар учун пластик жарроҳлик амалиётларини ташкил этиш каби соҳалардаги дастурлар ҳам шу фаолиятнинг кенг қамровини тасдиқлайди. Ушбу ташаббуслар нафақат таълим ва саломатликни сақлаш соҳаларида ижобий таъсир кўрсатади, балки ижтимоий инклюзия ва барча учун тенг имкониятлар яратиш мақсадларига ҳам хизмат қилади.

Бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг маданий меросини асраш билан бир қаторда, уни халқаро миқёсдаги муаммолар ва имкониятлар билан боғлашни таъминлайди ва мамлакатнинг туркий давлатлар ташкилотларидаги фаол ролини янада кўрсатади. Натижада, таълим жараёни умумий тарихий ва маданий мерос билан чамбарчас боғланиб, минтақавий бирдамликнинг устувор асосларидан бири сифатида намоён бўлади.

Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг ажралмас қисми ҳисобланган маданий тадбирлар ҳам мамлакатлар ўртасидаги алоқаларда муҳим ўрин эгаллайди. Булар орасида турк медиаалоҳиялари трансляциялари, халқ рақслари курслари ва бошқа маданий лойиҳалар ёшлар ўртасида қизиқиш уйғотиб, таълим жараёнини янада жозибador қилади. Бу тадбирлар Ўзбекистоннинг таълим ислоҳотлари ва замонавий таълим муҳитига ҳам мувофиқ келади. Шунингдек, 2025 йилда мамлакатда СИ асосида ўқитувчиларни тайёрлаш марказлари очилиб, болалар учун янги таълим ҳаблари ва интерактив таълим майдончалари яратилди, бу эса таълимнинг сифатини ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Туркия таълим марказларининг Ўзбекистондаги фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, уларнинг мамлакатнинг таълим ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини илмий нуқтаи назардан баҳолаш муҳимдир. Бу таҳлил фақат юзаки фойда ёки хавотирлар билан чекланмай, чуқурроқ ижтимоий, маданий ва иқтисодий оқибатларни очиқ беришга қаратилган. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг таъсирини ўрганишда қўлланиладиган “юмшоқ куч” (soft power) назарияси ва “инсон капитали” концепцияси асосида ушбу таъсирларни ижобий ва салбий жиҳатларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Жумладан, Туркия таълим марказлари Ўзбекистоннинг инсон капиталини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Турк тилини ўрганиш ва Туркия университетларида таълим олиш орқали ёшлар муҳандислик, ахборот технологиялари, логистика ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда замонавий талабларга мос юқори малакага эга бўлмоқда. Бу жараён мамлакатнинг иқтисодий ўсишига бевосита таъсир қилади. Шунингдек, Туркияда таълим олган мутахассислар Ўзбекистонга қайтганда, турк сармоядорлиги билан боғлиқ корхоналарда - қурилиш,

туризм, текстил ва озиқ-овқат саноати каби соҳаларда - самарали фаолият юритиб, икки томонлама савдо ҳажмини оширишга ёрдам беради.

Яна бир муҳим ижобий жиҳат - минтақавий идентикликнинг мустаҳкамланиши ва маданий капиталнинг бойишидир. Туркий меросга асосланган таълим ёшларда ўзликни англаш ва миллий кадриятларини англаб етиш туйғусини кучайтириб, уларнинг маданий огоҳлигини ва глобал рақобатбардошлигини оширади. Бу жараён нафақат шахсий ривожланишга, балки мамлакатнинг узок муддатли барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Геосиёсий нуқтаи назардан қаралса, Туркия билан амалга оширилаётган таълим ҳамкорлиги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги диверсификация стратегияси билан мувофиқлашади. Анъанавий стратегик ҳамкорлар - Россия ва Хитой билан алоқаларни сақлаб қолган ҳолда, Туркия орқали Европа ва НАТО стандартларига яқин таълим моделларига кириш имконияти яратилади. Бу эса мамлакатнинг халқаро майдондаги мувозанатли позициясини мустаҳкамлайди, халқаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради ва узок муддатли барқарорликка хизмат қилади.

Шу билан бирга, халқаро таълим ҳамкорлигида доимо кузатиладиган муаммолар Ўзбекистон шароитида ҳам мавжудлигини кўрсатади. Энг муҳим ва кенг муҳокама қилинадиган масала - маданий ва идеологик таъсир хавфидир. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1990-йиллардаги тажриба, хусусан хусусий турк мактабларининг ёпилиши ҳали ҳам жамият хотирасида сақланиб, бу соҳадаги турли хавотирларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Баъзи таҳлилчилар фикрича, ҳозирги расмий таълим марказларида ҳам Туркиянинг ташқи сиёсий манфаатлари айрим тарзда илгари сурилиши эҳтимолидан огоҳлик талаб қилади.

Ҳолбуки, ҳозирги фаолият давлатлар ўртасидаги расмий келишувлар асосида амалга оширилмоқда ва Ўзбекистон назорати остида бўлиши унинг миллий манфаатларга мослигини таъминлайди. Шу билан бирга, илмий таҳлил нуқтаи назаридан, маданий таъсирнинг ортиқча кучайиши миллий кадриятлар ва маҳаллий маданий идентичликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу жиҳат халқаро таълим ҳамкорлигининг ижобий таъсирини максимал даражада таъминлаш учун давлат сиёсатида муҳофаза ва мониторинг механизмларининг зарурлигини кўрсатади.

Илмий нуқтаи назардан эътиборга молик ва кўпчилик томонидан етарли даражада таҳлил қилинмайдиган салбий оқибат - “мия оқими” (brain drain) ҳодисасидир. Туркия университетларида таълим олган хорижий талабаларнинг муайян қисми (тахминан 20-30%) таълимни тугатгандан сўнг Туркияда қолиб кетади. Бу ҳолатнинг асосий сабаби - Туркиядаги иш ҳақи ва меҳнат шaroитларининг Ўзбекистондагидан анча юқори бўлиши ҳисобланади. Натижада, Ўзбекистоннинг ўзи сармоя киритган инсон капитали самарасига тўлиқ эга бўла олмайди ва бу узок муддатда мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши

мумкин. Шунингдек, ушбу тенденция маҳаллий билим ва малака билан боғлиқ лойиҳаларда ресурсларнинг узоқ муддатли барқарорлигини хатарга солиши мумкин.

Яна бир муҳим муаммо - таълим бозоридаги рақобат ва ресурсларнинг бир томонлама тақсимланиши ҳисобланади. Турк тили ва маданиятига алоҳида урғу берилиши инглиз, рус, хитой ва корейс тилларини ўргатувчи муассасалар билан рақобат муҳитини яратади ва шу тариқа таълим ресурслари ва эътиборнинг муайян йўналишларга йўналтирилишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, турк таълим моделларининг Ўзбекистоннинг миллий таълим стандартлари, масалан, тарих, адабиёт ва ахлоқ тарбияси соҳалари билан тўлиқ уйғунлашмагани ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин. Бу эса айрим ўқувчиларда маданий идентикликдаги иккиланиш ва миллий қадриятларга нисбатан тушунмовчиликларни келтириб чиқариши эҳтимолини оширади. Шу боис, турк таълим марказларининг фаолияти миллий таълим тизими ва маданий контекст билан мувофиқлаштирилган ҳолда ривожлантирилиши зарур.

Туркия таълим марказлари Ўзбекистон учун стратегик жиҳатдан муҳим имконият сифатида кўрилади. Уларнинг фаолияти нафақат турк тили ва маданиятини тарқатиш, балки маданий дипломатия, касбий ва академик тайёргарлик, ҳамда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу имкониятларнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги бевосита давлат сиёсати ва бошқарув механизмларининг самарадорлигига боғлиқ.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Туркия таълим марказларининг Ўзбекистондаги фаолиятининг ижобий таъсирини максимал даражада таъминлаш учун қатор шарт-шароитлар муҳим ҳисобланади. Биринчидан, таълим мазмуни миллий манфаатларга мослаштирилиши ва миллий таълим стандартлари билан уйғунлаштирилиши керак. Бу, ўз навбатида, маданий идентикликнинг сақланиши ва ўқув жараёнида миллий қадриятларнинг заифлашишининг олдини олишга хизмат қилади. Иккинчидан, давлат томонидан таълим жараёни ва сертификатлар устидан тизимли назоратни амалга ошириш, шу жумладан турк тили ва касбий тайёргарлик курсларининг сифатини баҳолаш ва мувофиқлигини таъминлаш зарур. Учинчидан, чет элда таълим олган мутахассисларни Ўзбекистонда сақлаб қолиш ва уларнинг малакасини самарали қўллаш учун рағбат ва имкониятлар яратилиши керак. Бу "мия оқими"нинг салбий таъсирини минималлаштиришга ва инсон капиталини самарали бошқаришга ёрдам беради.

Шу йўл билан Туркия таълим марказлари билан ҳамкорлик нафақат академик ва касбий салоҳиятни ривожлантириш, балки Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлигини ошириш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш ва маданий-гуманитар кўприкларни кенгайтиришда муҳим стратегик воситага айланади. Демак, бу ҳамкорликни мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий, маданий ва сиёсий

ривожланиш стратегияси билан уйғунлаштириш орқали унинг ижобий потенциали  
тўлиқ амалга оширилиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистонда турк тилини билиш имтиҳонида рекорд даражадаги иштирок //  
Юнус Эмре институти матбуот хизмати. 08.10.2025.  
<https://www.yee.org.tr/en/node/13840>

2. Ўзбекистонда “Турк тилини ўқитиш маркази” очилди // ТИКА матбуот  
хизмати. 24.07.2024. <https://tika.gov.tr/en/turkish-language-teaching-center-inaugurated-in-uzbekistan>

3. Ўзбекистон ва ТИКА олтига устувор йўналишдаги лойиҳаларни  
кенгайтиришга келишиб олдилар // UzDaily.uz. <https://www.uzdaily.uz/en/uzbekistan-and-tika-agree-to-expand-proin>

4. Тошкентда Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилди // The  
Times of Central Asia. 03.02.2025. <https://timesca.com/international-university-of-turkic-states-established-in-tashkent/>

5. Türkiye Scholarships расмий веб-сайти (Туркия стипендиялари ҳақида умумий  
маълумот). : <https://www.turkiyeburslari.gov.tr/>

6. ТИКАнинг Ўзбекистондаги фаолияти: 900 га яқин лойиҳа амалга оширилган //  
ТИКА расмий веб-сайти. <https://tika.gov.tr/en/office/uzbekistan-tashkent-program-coordination-office/>

**Интернет сайтлар**

<https://tubitak.gov.tr>

<https://www.meb.gov.tr>

<https://www.yok.gov.tr>

<https://edu.gov.uz>

<https://www.unesco.org>

<https://turkiyeburslari.gov.tr>

<https://www.tika.gov.tr>

<https://lex.uz>

<https://www.turkicstates.org>

<https://president.uz>